

**Туман ҳокими Ҳиммат Оқбўтаевнинг 9 май – Хотира ва  
қадрлаш куни муносабати билан ўтказиладиган тантанали  
маросимдаги**

**ТАБРИК СЎЗИ**

**Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!**

**Қадрли фахрийлар ва ҳурматли меҳмонлар!**

Юртимизда бу йил 9 май – Хотира ва қадрлаш куни байрамини ҳар қачонгидан кўра кенг миқёсда нишонланмоқда.

Мана шу қутлуғ сана – эришилган Буюк ғалабанинг 74 йиллиги муносабати билан, авваламбор, сафимизда соғ-омон яшаб келаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини, фронт ортида заҳмат чеккан фахрийларимизни, Сизнинг тимсолингизда туманимизнинг барча отахону онахонларини чин қалбимдан табриклайман!

Фашизм инсоният бошига мислсиз кулфатлар ёғдириди. Бу мудҳиш воқеа инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлгани ҳеч қачон унутилмайди.

Миллионлаб инсонлар қурбон бўлган, ўнлаб ўлкаларга вайронагарчиликлар келтирган фашизм устидан қозонилган ғалабада ўзбекистонликнинг, жумладан, Сизларнинг ҳам муносиб ҳиссаларингиз бор.

Бешафқат урушда салкам 1,5 миллион нафар Ўзбекистонликлар иштирок этган. Ёш гўдак ва болаларни, қариялар ва аёлларни ҳисобга олмагандан, халқимизнинг 40 фоиздан кўпроғи қўлига қурол олиб, жанг жадалларда қатнашди.

Қўшработ туманининг таркиб топиши ҳам урушнинг айни қизғин даври 1943 йилга тўғри келганлигига, халқимизнинг бошидан қанчалик иқтисодий-ижтимоий қийинчиликлар ўтаётганига қарамасдан 3,5 минг нафардан кўпроқ Қўшработлик ўғлонлар урушда бўлиб, қаҳрамонона жанг қилганлар, ғалабага ўз ҳиссасини қўшганлар. Улардан 1700 нафардан кўпроғи жанг

майдонларида ҳалок бўлишган, кўпчилигининг вафот этган жойи ҳам номаълум. Қишлоғига қайтган 2 минг нафардан кўпроғи орасида ҳам майиб-мажруҳи кўпчиликни ташкил этган.

Халқимиз жанг майдонларида азиз жонларини қурбон қилган Муносиб Азимов, Ўроз Бекмуродов, Юсуф Бобоёров, Нурилла Жомбоев, Обил Ярашев, Шайман Чинниқулов, Қувондиқ Турсунов, Хотам Улуғов ва бошқаларнинг номларини ҳам унуганлари йўқ. Ғалабага муносиб ҳиссасини қўшиб, кўксини жанговор орден ва медаллар билан тўлдириб, она юртига қайтиб келган, умрининг охиригача ҳормай-толмай хизмат қилган Турсун Расулов, Тиркаш Ўразов, Шамси Усмонов, Жўра Қоракулов, Ғозиқул Қоржовов, Нормамат Ахмедов, Раҳмон Беганов, Эсонбой Бекқулов, Абдуғаффор Файзиев, Сувонқул Хўжақулов, Наримон Ўролов, Лапас Дўскораев, Тўракул Ризаметов кабиларнинг ёрқин сиймолари ҳозирги кунларда ҳам уларни кўрганларнинг кўз ўнгидан кетгани, эшитганларнинг хотирасидан ўчгани йўқ.

Бугунги кунда туманимизда Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган 3 нафар – Амир бобо Саксонов, Адирбой бобо Хўжанов, Толлибой бобо Узоқовлар каби Ватанимизнинг жасур ўғлонлари яшаб, ўзларининг дориломон кунларини ўтказмоқда. Уларга 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан 7,5 миллион сўмлик пул мукофотлари ҳамда совға-саломлар топширилди.

**Хурматли тадбир қатнашчилари!**

Аждодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, бугун сафларимизда юрган, элу юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган нуронийларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

**ХОТИРА** деганда - биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатdir.

**Қадрлаш деганда эса** – асрлар давомида она диёrimизни, халқимизнинг озодлик ва истиқолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижаат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқлиkdir.

### **Қадрли меҳмонлар!**

Ҳурматли фахрийлар, дуогўй Ватанимиз фидойилари!

Яна бир бор туманимиз аҳлини, уруш ва меҳнат фахрийларини 9 май - Хотира ва қадрлаш куни, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 74 йиллиги билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Осмони ҳамиша беғубор ва мусаффо бўлган жонажон Ўзбекистонимизда Сизлардек фидоий, меҳнаткаш ҳамда дуогўй нуронийларимиз бор экан, албатта, мустақиллигимиз абадий, ҳаётимиз фаровон, тараққиётимиз бардавом бўлаверади.

Барчангизга мустаҳкам соғлик-саломатлик, узок умр, хонадонларингизга файзу барака, тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилайман.

### **Эътиборингиз учун раҳмат!**